

3

2017

MOLIY A

ILMIY JURNAL



ISSN 2010-9601

TOSHKENT

МУНДАРИЖА

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

У.ЯКУБОВ, Д. ЖЎРАЕВА. Иқтисодий левиридж ва унинг зарурати.....	5
Д.МУХАММЕДОВА, Р.КАДИРОВА. Трансформации бухгалтерской отчётности в республике Узбекистан в формат МСФО.....	10
И.ҲАБИБУЛЛАЕВ, А.ҚОРАБОЕВ, Н.РАШИТОВА. Миллий ҳисоблар тизими ва унинг тараққиёт босқичлари.....	16
Б.МАМАТОВ. Биргаликдаги фаолиятни таснифлашнинг назарий масалалари..	22

БАНК ИШИ

Т.КАРАЛИЕВ, С.ХОЛМУРОДОВ. Банк назорати бўйича янги талабларнинг моҳияти.....	29
---	----

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

Б.МАРДОНОВ. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари.....	34
--	----

МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ

В.НУРИТДИНОВА. Иқтисодиётнинг модернизациялаш шароитида ҳудудлар молиявий имкониятларини оширишда ҳудудий дастурларнинг аҳамияти.....	39
--	----

ПЕНСИЯ ИШИ

Д.РУСТАМОВ, З.БЕКНАЗАРОВ. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини оптималлаштириш масалалари.....	44
--	----

СУҒУРТА ИШИ

И.КЕНЖАЕВ. Суғурта бозорида рақобатни ривожлантириш масалалари.....	50
Т.БОЙМУРАТОВ. Суғурта фаолиятида меъёрлашган риск концепциясига ўтиш: муаммо ва ечимлар.....	54

УЎТ 336.71

Т.БОЙМУРАТОВ

СУҒУРТА ФАОЛИЯТИДА МЕЪЁРЛАШГАН РИСК КОНЦЕПЦИЯСИГА ЎТИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Мақолада дунёда кузатилаётган офатлар оқибатида юзага келаётган рискларни суғурталашнинг ҳозирги ҳолати таҳлили контекстида суғуртанинг концептуал-назарий асослари тадқиқ этилган. Миллий суғурта тизимини такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар билдирилган.

Таянч сўзлар: табиий офатлар, техноген офатлар, "ҳаёт қиймати" кўрсаткичи, иқтисодий зарар, молиявий воситалар, суғурта, риск, риск катталиги, меъёрлашган риск, меъёрлашган риск концепцияси, риск трансфери, риск трансформацияси.

В статье рассматриваются концептуально-теоретические основы в контексте анализа современного состояния страхования катастрофических рисков. Разработаны практические рекомендации, направленные на совершенствование национальной системы страхования.

Ключевые слова: природные катаклизмы, техногенные катаклизмы, показатель "стоимость жизни", экономический ущерб, финансовые инструменты, страхование, риск, величина риска, приемлемый риск, концепция приемлемого риска, трансфер риска, трансформация риска.

The paper describes the conceptual-theoretical foundations in the context of analysis of the modern condition of the disaster risks insurance. The practical recommendations are given that are directed to improving the national insurance system.

Keywords: natural disasters, man-made disasters, the indicator "cost of living", economic damage, financial instruments, insurance, risk, value of acceptable risk, the concept of acceptable risk, risk transfer, risk transformation.

Дунёда юз бераётган турли даражадаги офатлар фақат салбий иқтисодий оқибатларни келтириб чиқариб қолмасдан, балки минглаб одамларнинг қурбон бўлишларига, шунингдек, давлатларнинг барқарор ривожланишига ҳам хавф солмоқда.

Аммо мазкур ҳодисалар оқибатларида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишнинг зарурлиги ҳамда аҳамиятига қарамасдан, дунёда офатларни камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этишда давлат бюджети маблағлари, шунингдек, ташқи иқтисодий ёрдамдан, яъни суғуртага дахлдор бўлмаган методлардан кенг фойдаланилмоқда.

Кейинги йилларда жаҳон амалиётида хавф кўрсаткичи сифатида риск тушунчаси кенг қўлланилаяпти. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, айти пайтда дунёда мутлақ хавфсизлик концепцияси инкор этилиб, "меъёрлашган" "ALARA/ALARP" тамойилига асосланган риск концепциясига ўтилди. Хусусан, рискни, бошқариш юзасидан қарор қабул қилишда, идрок имконияти даражасида, турли омилларни ҳисобга олган ҳолда, эришилиши мумкин бўлган энг қуйи чегарани ўзида мужассам этган — "as low as reasonable applicable/practicable" — "ўзини оқлайдиган шунчалик паст даражадаги/амалий асосланган" сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлган "ALARA/ALARP" тамойилидан фойдаланилади. Мазкур ёндашув, ресурслар чекланган реал шароитда рискни амалий нуқтаи-назардан максимал камайтиришга эришилишига қаратилган ва амалга

ка

ошири
Мазкур
қўллан
мутлақ
риск ай

Риск
ўлчови
оқибати
олганда
ўзида му
Айнан,
мумкин

Хусусан
ҳаётида,
такрорла
бўлган за
даражада

Риск т
келадиган
бериш эҳ
қуйидаги

$$R = E$$

Бу ерда

R - риск

E - ҳоди

D - зара

Бу ҳолат

Агарда зар
кабиларда
эҳтимолли
кўрсаткич

Ҳозирги
турлича эка
баҳоланаётг
одамлар қу
кўрилган з
фойдаланил
одамнинг ҳа
евро миқдор

1-жадвал

Риск даражасининг эмпирик шкаласи [3]

Риск катталиги	минимал	паст	ўрта	юқори	максимал	критик
	0,0 – 0,1	0,1 – 0,3	0,3 – 0,4	0,4 – 0,6	0,6 – 0,8	0,8 – 1,0

Эририлиши мумкин бўлган чора-тадбирлар белгиланишини назарда тутати. Мазкур концепция алоҳида риск, шунингдек, жами рискларга нисбатан қўлланилиши мумкин [1]. Мутлақ хавфсиз бўлган технологияларни яратиш, мутлақ хавфсизликни таъминлаш имконияти мавжуд эмаслиги, ўз навбатида, риск айнан барча учун маъқул даражада бўлишига эришишни тақозо этади.

Риск талқини шуни кўрсатмоқдаки, у кенг маънода — хавфнинг сондаги ўткови саналса, тор маънода, тасодифий ҳодисалар юз бериши ва уларнинг оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарлар мажмуи ҳисобланади[2]. Умуман олганда, "риск" термини қўлланилиши орқали унга мос равишдаги бирликларни ўртада мужассам этган кўрсаткични ўрнатиш имконияти юзага келди (1-жадвал). Айнан, шундай шкала ёрдамида назарий жиҳатдан турли хавфларни ўлчаш мумкин бўлди.

Хусусан, техноген ҳодисалар ва табиий офатлар ёки одамларнинг кундалик ҳаётида, масалан, иқтисодиётнинг айрим тармоқ (ҳудудий мажмуа)ларида кўрорланиб турадиган хавфларни ҳамда улар оқибатида кўрилиши эҳтимоли бўлган зарарни солиштирма қийслаш орқали олдиндан аниқлашда ва маъқул даражада бўлишига эришишда мазкур ўлчамлардан фойдаланилмоқда.

Риск тасодифий ҳодиса юз бериши эҳтимоли ва унинг оқибатида юзага келадиган зарар ҳажмида ифодаланади[4]. Шунга кўра, риск ҳодисанинг рўй бериш эҳтимоли ва кўрилиши мумкин бўлган зарарнинг кўпайтмаси сифатида қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$R = E \cdot D ;$$

Бу ерда,

R - риск (ингл. risk);


E - ҳодиса (ингл. event);

D - зарар (ингл. damage).

Бу ҳолатда риск кутилмаган ҳодисадан кўрилган зарар ҳажми билан ўлчанади. Агарда зарар қурбон бўлган одамлар ва вайрон бўлган бинолар сони ва шу ҳабилаарда ифодаланса, риск катталиги тасодифий ҳодиса юз бериши ва эҳтимолликка кўра, у бўйича назарда тутилган зарарнинг ҳажми ёки фоизи кўрсаткичларида ифодаланади.

Ҳозирги вақтга келиб, зарар кўрсаткичи ва уни аниқлашга бўлган ёндашувлар турлича эканлиги кўзга ташланмоқда. Қайси риск тури, айнан қайси мақсадда баҳоланаётганлигига қараб, ёндашувлардаги фарқланиш юзага келади. Масалан, одамлар қурбон бўлишига олиб келган бахтсиз ҳодиса юз бериши оқибатида кўрилган зарар катталигини баҳолашда "ҳаёт қиймати" кўрсаткичидан фойдаланилади. Хусусан, қурбон бўлишга олиб келган ҳодиса бўйича алоҳида одамнинг ҳаёти қиймати АҚШда 600 минг доллар, Германияда эса 750 минг евро миқдорида баҳоланмоқда. Шу ўринда келтириб ўтиш лозимки, ҳозирча

Офатлардан ҳимояланишнинг молиявий воситалари,
уларнинг самарадорлиги ва камчиликлари [7].



инсон ҳаёти қийматини баҳолашнинг универсал методи яратилмаган бўлса-да, суғурта фаолиятида қатор хусусий усуллар ишлаб чиқилган. Масалан, АҚШда қўлланилаётган шундай усуллардан бирида инсон ҳаёти қиймати, ўртача статистик кўрсаткичга кўра, бир ходимнинг бутун умргузаронлик даври бўйича миллий фонд таркибида акс этган жами сумманинг тенг ярми, яъни 750 минг

минг доллар даражасида баҳоланган.

Шу нуқтаи назарга кўра, халқаро амалиётда айнан меъёрлашган риск концепциясини ишлаб чиқишга бўлган ҳаракат фаоллашганлиги кўзга ташланмоқда. Бу ўринда меъёрлашган риск ўзида нафақат техник, иқтисодий, иктимой ва сиёсий жабҳаларни, балки хавфсизликни таъминлаш ҳамда унга эришиш имконияти ўртасида маълум келишувни мужассам этаётганлиги кузатилмоқда. Ҳозирги вақтга келиб, меъёрлашган ва маъқул бўлмаган риск катталиклари хусусидаги қарашлар шаклланганлигини келтириб ўтиш ўринлидир.

Рискнинг якка тартибдаги меъёрлашган даражаси, яъни инсон ҳаёти пировард натижада нима билан қандай якунланиши одатда болалик давридан оқибатланганда, бу ҳодисанинг қачон юз бериши, ҳар бир шахс учун унинг ирқи, жинси, ёши, олган таълим-тарбияси, танлаган касби ва бошқа қатор омиллар таъсирида кечишини инкор этиб бўлмайди. Шунга кўра, ҳар бир одамнинг бу борадаги, яъни рискнинг меъёрлашган даражаси юзасидан ўз қарашлари умри давомида ўзгариб боради. Рискнинг меъёрлашган даражаси юзасидан одамларнинг қарашлари ўзгариб боришини уларнинг автомобиль йўлидан ўтишлари мисолида кўриш мумкин. Бу жараёнда ҳар бир одам автомобиллар ҳаракати жадаллигига, оқимида нисбатан йўлнинг турли жойида кутиб туриши, йўлни кесиб ўтиши турли вақтда ҳамда жадал ёки суст кечиши кузатилади. Айнан одамлар рискнинг меъёрлашган даражасини танлашлари уларнинг жароҳат олиш ва ҳалокатга учраш эҳтимоли ҳам турлича бўлиши ҳолатини юзага келтиради.

Тасодикий ҳодисаларнинг маълум вақт (одатда бир йил) давомида такрорланиб юз бериш эҳтимолиги математик усуллардан фойдаланилган ҳолда аниқланади. Айрим ҳолларда тасодикий фавкулотдаги ҳодисанинг юз бериши эҳтимоли, айнан унинг такрорланиш частотасига, яъни ω - нисбий частотага мос келиши мумкин. Бизнинг назаримизга кўра, бундай мос келиш ҳолати, статистик маълумотлар базаси бирмунча мукамал шаклланган меъёрлашган рискларнинг такрорланишлари $10^{-6} \leq \omega \leq 10^{-3}$ оралиғидаги аҳамияти ўзгариши оқибатида кечадиган, айтиш мумкин вақтда суғуртанинг объекти саналадиган тасодикий ҳодисаларга таъсирдорлиги хусусида мулоҳаза билдирилиши тўғри бўлади. Қатор иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг назарий талқинларида маъқул бўлмаган риск намоён бўлиши унинг частотаси 10^{-3} дан ортиши оқибатида юзага келиши таъкидланган.

1900-2016 йиллар давомида дунё ҳудудларида юз берган табиий офатлар оқибатида жами 7 триллион АҚШ долларидан кўпроқ иқтисодий зарар кўрилган бўлса, қурбон бўлган ёки бедарак йўқолган одамларнинг сони 8 млн нафардан ортиқлиги қайд этилган. Ушбу йиллар давомида жами юз берган 35 млндан ортиқ табиий офатларнинг таркибида мос равишда, сув тошқинлари - 40, зилзилалар - 25, қурғоқчиликлар - 12, ёнғинлар - 2 ва бошқа офатлар - 21 фоизни ташкил этган [5].


Шуни келтириб ўтиш лозимки, глобаллашув жараёнида дунё ҳудудларида турли даражадаги офатларнинг такрорланиш даврийлиги ўртача 25-30 йилни ташкил этмоқда ва улар катта ҳажмдаги иқтисодий зарарлар кўрилишига сабаб бўлаяпти. Хусусан, бир йилда ўртача АҚШда — 50 млрд, Японияда — 24 млрд,

Хитойда — 19 млрд доллар миқдорида зарар кўрилган бўлса, биргина зилзиладан кўрилган ўртача зарар суммаси 7 миллиард АҚШ доллари даражасида бўлмоқда [6].

Хусусан, 2009-2016 йиллар давомида офатларнинг такрорланиб туриши оқибатида кўрилган жами иқтисодий зарарлар бўйича ўртача бир йилга тўғри келадиган статистик кўрсаткич \$173 миллиард, тўланган суғурта қопламалар

2-чизма

Дунёда офатлардан кўрилган жами зарарлар, уларнинг оқибатида тўланган суғурта қопламалари суммаси (\$ млрд) ва қурбон бўлган ёки бедарак йўқолган одамлар сони (2009-2016 й.й.) [8]



Офатлар оқибатида қурбон бўлган ёки бедарак йўқолган одамлар сони (минг)							
13	304	30	14	26	13	26	10

бўйича ҳажми эса, \$51 миллиард қийматида бўлганлиги, шунингдек, қурбон бўлган ёки бедарак йўқолган одамларнинг бир йилга тўғри келадиган сони қарийб 18 мингни ташкил этганлиги аниқланди (диаграмма).

Хусусан, 2011 йилда табиий офатлардан Осиё ҳудудида жойлашган ривожланаётган мамлакатлар энг кўп, яъни \$250 млрд[9], 2012 йилда эса, АҚШда улар оқибатида \$119 млрд, шу жумладан, биргина "Сэнди" бўҳронидан \$70 млрд миқдорида иқтисодий зарар кўрилган [10].

2013 йилда офатлардан жами кўрилган иқтисодий зарар \$140 млрд миқдорида бўлган, шу жумладан Осиё, Шимолий Америка ва Европа ҳудудларида сув тошқинлари ва бошқа табиий экстремал ҳодисалар оқибатида \$131 млрд миқдорида зарар кўрилган ҳамда улар бўйича жами \$45 млрд миқдорида суғурта қопламалари тўланган. Шунингдек, қурбон бўлган ёки бедарак йўқолган одамлар сони қарийб 26 мингни, Осиё ҳудудлари бўйича эса 20,7 мингни ташкил этган.

2014 ва 2015 йилларда офатлардан жами кўрилган иқтисодий зарар, мос равишда \$110/\$94 млрд миқдорида бўлган, шу жумладан, Америка ҳудудларида кейинги 25 йил давомида ўртача 6-9 фоиз даражасида ортиб бориш анъанаси кузатилаётган конвектив бўҳронлар, яъни торнадо (соатига 90 км/26 миль ва ундан кучли, хусусан, 2015 йилда уларнинг сони 1252 тани ташкил этган), дўл(диаметри 2 см ва ундан катта), шунингдек, кучли ёмғир ва сув тошқинлари

юз берганлиги оқибатида кўрилган зарар келтирилган йиллар бўйича мос равишда \$10/\$13 млрд миқдорда зарар кўрилган. Келтирилган йилларда, мос равишда, жами \$35/\$37 млрд миқдорида суғурта қопламалари тўланган, қурбон бўлган ёки бедарак йўқолган одамлар сони, мос равишда 13/26 мингга, хусусан, 2015 йилнинг апрель ойида Непал ҳудудлари юз берган zilзила оқибатида 19 мингга ташкил этган [11].

2016 йилда офатлардан жами \$158 млрд, шу жумладан, дунёнинг турли ҳудудларида, масалан, Тайвань, Япония, Эквадор, Италия ва Янги Зеландия ва бошқа мамлакатларда рўй берган кучли zilзилалар оқибатида жами \$20 млрд, Хитойда Янцзи дарёсининг кучли ёмғирлар ёғиши сабабли тўлиб-тошиши оқибатида юз берган сув тошқинларидан \$16 млрд миқдорида иқтисодий зарар кўрилган [12]. Офатлардан кўрилган зарарлар бўйича жами \$49 млрд миқдорида суғурта қопламалари тўланган. 2016 йилда қурбон бўлган ёки бедарак йўқолган одамлар сони қарийб 10 мингга ташкил этган [13].

2009-2016 йилларда дунёда офатлардан кўрилган жами зарарлар таркибида

3-чизма

Дунёда табиий офатлардан кўрилган иқтисодий зарар суммаси, улар бўйича тўланган суғурта қопламалари ҳажми ва суғурталанмаган зарарнинг умумий ўртача кўрсаткичи (2009-2016 й.й.) [14]



табиий офатлардан кўрилган зарарлар ҳажми ўртача бир йилга \$156 млрд га тўғри келган (3-диаграмма).

Келтирилган йилларда дунёда офатлардан кўрилган жами зарарлар таркибида табиий офатлардан кўрилган зарарлар бўйича тўланган суғурта қопламалари ҳажми келтирилган йилларга мос равишда \$22/ \$31/ \$103/ \$65 \$37/ \$28/ \$28/ \$42 млрд ни ташкил этган ёки уларнинг ўзаро нисбати 2009, 2012, 2015 йилларда; 2011, 2013, 2014, 2016 йилларда; 2010 йилда эса, энг паст, яъни даражасида бўлган ёки суғурталанмаган зарарнинг ўртача кўрсаткичи эса, мос равишда 61/ 86/ 73/ 63/ 72/ 72/ 66/ 72 фоиз даражасида бўлганлиги ҳисоблаб чиқилди.

XXI асрнинг дастлабки 16 йилида табиий офатлар келтирган иқтисодий зарар

ҳажми юқори даражада қолган бўлса-да, содир бўлаётган техноген ҳодисаларнинг ҳар йил ҳисобига ўртача сони 500 миллион дан ортиб кетганлиги ва уларнинг 4/5 қисмига инсон омили сабабчи эканлигини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир [15].

2009-2016 йилларда дунёда офатлардан кўрилган жами зарарлар таркибида техноген ҳодисалар юз бериши оқибатида, мос равишда \$7/ \$8/ \$12/ \$10 \$9 /\$9 /\$12 /\$8 млрд миқдорида иқтисодий зарар кўрилган бўлса, улар бўйича тўланган суғурта қопламалари ҳажми \$4/ \$5/ \$7/ \$9 \$8/ \$7/ \$9/ \$7 млрд ни ташкил этган

3-чизма

Дунёда техноген офатлардан кўрилган иқтисодий зарар суммаси ва улар бўйича тўланган суғурта қопламалари ҳажми (2009-2016 йй., \$ млрд.)



ёки келтирилган йиллардаги ўзаро ўртача кўрсаткичи даражаси 1,3 нисбатида бўлганлиги аниқланди (3-диаграмма).

Шу ўринда, 2009-2016 йилларда кузатилган табиий ва техноген офатлар дунёнинг барча етакчи суғурта компанияларининг рисклар трансфери ва трансформацияси дастурлари доирасида белгиланган нарх сиёсати, амалдаги шартномалар натижаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда бевосита таъсир кўрсатганлигини ҳам келтириб ўтиш лозим.

2100 йилда, табиий офатлар оқибатида кўриладиган иқтисодий зарар ҳажми иқлим ўзгаришларини ҳисобга олмаган ҳолда \$185 млрд, иқлим ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда \$280 млрд миқдорида бўлиши башорат қилинмоқда [17].

Дунёда табиий офатлар ва техноген ҳодисалардан кўриладиган иқтисодий зарар ҳажми ва кўлами ортиб бораётганлиги қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- аҳоли сонининг муттасил ортиб бораётганлиги (кейинги 65 йилда қарийб 3 мартага ортган (1950 й.-2,5 млрд, 2015 й.- 7,35 млрд), 2050 йилда 9,3 млрд бўлиши башорат қилинган)[18];
- аҳолининг хавфли зоналарда жойлашган мегополислардаги

концентрацияси ортиб бораётганлиги (масалан, 2015 йилда Токио (зилзила ва бўҳронлар зонаси)да -37,1 млн Деҳли (сув тошқинлари ва қурғоқчилик зонаси)да -22,2 млн Шанхай (сув тошқинлари зонаси)да -20,9 млн Нью-Йорк (сув тошқинлари ва бўҳронлар зонаси)да - 20,5 млн Мехико (сув тошқинлари ва кўчкилар зонаси)да -19,5 млн аҳоли истиқомат қилаётганлиги)[19];

- халқаро иқтисодий ўсиш моддий бойликларнинг хавфли зоналарда жойлашган мегополисларда жамланишига омил бўлганлиги (World Bank маълумотларига кўра, дунё бўйича ЯИМ кейинги 15 йилда 2 марта ўсган, хусусан, 2015 йилда \$77,96 трлн долл.ни ташкил этган)[20];

- иқлим ўзгариб бораётганлиги (табiiй офатларнинг такрорланиб туриши жадаллашганлиги, хусусан, қурғоқчилик хавфи, музликларнинг эриши, бўҳронлар сони ортганлиги, денгиз сатҳининг кўтарилаётганлиги) [21].

Шу билан бир қаторда, кейинги ўтган 10 йил давомида кузатилган офатларнинг ўртача 70 фоизи суғурталанмаганлиги[22], хусусан, глобал характер касб этаётган зилзила рисклари суғуртасининг ҳам қамрови паст даражада қолмоқда. Масалан, дунёда иқтисодий кўрсаткичи бўйича 8-ўринни эгаллаб турган Италияда уйларнинг 1 фоизи зилзила рискдан суғурталанганлиги бунинг далилидир[23].

Юқорида келтириб ўтилган омиллар дунёда офатлар ортиб боришидан далолат беради. Бу жараёнда рисклар трансфери ва трансформациясининг тизимлашган механизми ҳаракатчан бўлиб, глобал бозорда унинг ривожини одатда муайян даврийликда анъанавий тарзда кечади. Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, ҳудудий бозорларда рисклар трансфери ва трансформациясининг даврийлик тебранишлари аксарият ҳолларда глобал даврийликдаги ўзгаришларга ўзаро мос келмаса-да, бу ҳолат тўлалигича унинг таъсирида кечишини таъкидлаш мумкин. Мазкур трансфер ва трансформация, аynи вақтда, ҳудудий кенгликларда жойлашган инфратузилмаларда қўшимча манбаларни ишлаб топиш имкониятини юзага келтирувчи молиявий восита саналади.

Ер шари ҳудудий кенгликларининг қайси бир жойида бўлишидан қатъи назар суғурта (қайта суғурта) соҳасига етказилган зарар тақсимоти (қайта тақсимоти) ва тегишли нарх ўзгаришлари орқали рисклар трансфери ва трансформацияси қатор субъектларни жалб этувчи жабҳа бўлиб қолмоқда. Масалан, XX асрнинг 90-йилларида, шунингдек, XXI асрнинг дастлабки 10-йилликларида кузатилган иқтисодий-молиявий инқирозлар даврида халқаро суғурта бозорида тўловлар муддатини узайтириш ва рисклар трансфери ва трансформациясига кўра, минимал депозит мукофотларисиз қоплама тўлаш ҳисобига Европа бозори қўллаб-қувватланганлиги бунга далил бўла олади.

Халқаро суғурта (қайта суғурта) тизимининг амал қилиши ривожланаётган мамлакатлар бозорларининг глобализацияга қўшилишлари жараёнини жадаллаштиради. Инсон ресурси, товарлар ва хизматлар оқимининг ортиши, ишлаб чиқаришнинг стандартлашуви ва концентрациялашуви майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг бозордан сиқиб чиқарилишига олиб келади. Бу ҳолат суғурта бозорига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Асосан катта миллий суғурта компаниялари ёки халқаро суғурта монополияларига тегишли шўба

суғуртачилари фаолият майдонида қолишади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, халқаро суғурта компаниялари, янги бозорларда миллий ўзига хослик ва уларнинг хусусиятларини инобатга олмаган ҳолда анъанавий равишда стандартлашган суғурта (қайта суғурта) хизматларини таклиф этишади. Улар суғурта (қайта суғурта) маҳсулотларини миллий истеъмолчилар талабига мослаштириш ишлари билан деярли шуғулланишмайди. Чунки, бундай фаолиятни йўлга қўйиш билан боғлиқ харажатлар ва суғурта (қайта суғурта) мукофотларининг кутилган ҳажми нисбати улар учун эътиборли саналмайди. Бу ҳолатнинг, ҳаттоки мулоқотларда ҳам ижобий ёки салбий эканлигини аниқ илғаб олиш амримаҳол.

Аммо шунга қарамасдан таъкидлаш мумкинки, глобаллашув жараёнида миллий суғурта бозори тўғридан-тўғри хорижий компаниялар билан рақобатга киришишида қатор ижобий жиҳатлар намоён бўлмоқда. Бундай шароитда албатта, суғуртачи субъектларнинг, бир томондан, потенциал инвесторларни жалб этишга қаратилган мақсадли фаолиятлари фаоллашганлиги кўзга ташланса, иккинчи томондан, уларнинг рақобат муҳитида яшовчанлик ҳаракатлари ҳам самарали йўналишларда ташкил этилаётганлиги кузатилмоқда. Хусусан, мазкур жараённинг қуйидаги ижобий жиҳатлари, яъни:

- миллий суғурта бозори субъектларининг касбий улғайишлари ва хизматларнинг идентификациялашуви ҳамда ички бозорда рақобатнинг кучайиши;

- суғурта хизматлари бўйича харажатларнинг пасайиши ва тариф ставкаларининг оптималлашуви;

- суғурта класслари кесимида хизмат турлари бўйича кўрсаткичларнинг мос равишда ортиши ва уларнинг портфеллашуви;

- суғурта соҳасига жойлаштирилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг ортиши;

- суғурта фаолиятининг давлат ҳамда ҳудудий миқёсда ўрни ва аҳамиятининг ошиши кабиларда намоён бўлади.

Мазкур глобаллашув жараёнининг қуйидаги салбий оқибатлари, яъни:

- давлатнинг узоқ муддатли инвестиция ресурсларининг миллий иқтисодиёт, хусусан, ҳаёт суғуртаси тармоғидан чиқарилиши;

- миллий суғурта тизимининг йўқолиб кетиш эҳтимоли юзага келиши;

- хорижий компаниялар миллий ёхуд ўзларига "бегона бўлган" ҳудудларда ижтимоий масалалар ечими билан шуғулланмасликлари оқибатида мижозлар учун суғурта хизматлари нархининг ортиши;

- молиявий жиҳатдан кучли суғуртачилар стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, суғурта бозорининг жозибали сегментларини эгаллаб олишга қаратилган демпинг сиёсатини юритишлари;

- суғурта фаолиятига хорижий мутахассисларнинг кенг жалб этилиши оқибатида риск-менежмент асосан чет эллик суғуртачиларга бериб қўйилиши, пировардида эса, миллий таълим тизими орқали мос таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича тайёрланаётган кадрларнинг иш билан бандликлари пасайиши кабиларда намоён бўлади.

Албатта, ривожланаётган миллий суғурта бозори халқаро монополиялашган капитал билан рақобатлаша олмайди. Бу жараёнда давлат суғурта бозорига хорижий инвестицияларни жойлаштиришнинг меъёрий чегарасини белгилаши ва бу орқали миллий суғурта бозори субъектларининг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиши ёки миллий молиявий манфаатлардан воз кечиш сиёсатини қатъий белгилаб олиши муҳим аҳамият касб этади. Миллий молия бозорларига халқаро капиталнинг кириб келиши учун шаффофлик сиёсатини юритиш юзасидан қарорни қабул қилишдан олдин ҳукумат унинг оқибатларини кўра билиши, хусусан, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш чораларини пухта ишлаб чиқиши талаб этилади. Бундай талабнинг қўйилишини қуйидаги, яъни молия институтлари (банклар, суғурта компаниялари, пенсия ва инвестиция фондлари)ни биоорганик тизим сифатида қараш орқали изоҳлаш мумкин. Худди тиббиётда бўлгани каби қонни тўйинтирувчи бегона моддаларнинг организмга илк марта киритилиши оқибатида унинг гуллаб яшнаши ва кейинчалик эса, аксинча организмнинг унга мослашиб қолиши ёки унинг нобуд бўлиши ҳолати кузатилади. Миллий молия бозорига халқаро капитал оқимининг меъёрий даражадан ортиши оқибатида ҳам худди шундай ҳодиса кузатилиши мумкин.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш лозимки, суғурта (қайта суғурта) компаниялари томонидан кўрилган зарарларни ўзида акс эттирувчи суғурта портфели статистикаси, шунингдек, айнан рисклар трансфери ва трансформациясининг глобал бозордаги ҳолати андеррайтерларнинг нарх сиёсатига бевосита таъсир этувчи омили ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда табиий ва техноген офатлардан самарали ҳимоя механизмининг ўзида мужассам этган функционал миллий суғурта тизимини жорий этиш талаб этилмоқда. Бу жараёнда:

- "критик риск" юзага келиши оқибатида кўрилиши эҳтимоли бўлган максимал зарар кўламини аниқлаш учун офатли характердаги ҳодисани моделлаштириш;
- офатлар оқибатида юзага келадиган рискларни суғурталаш (қайта суғурталаш)да оптимал тарифни ҳисоблаш ва амалда қўллаш орқали зарарлар кафолатли қошланишини таъминлаш;
- суғурта (қайта суғурта) бўйича кафолатли ҳимояни таъминлашга қаратилган мажбуриятларни аниқлаштириш;
- тасодифий кўрилган иқтисодий зарарларни самарали қошлаш имкониятини берувчи суғурта захирасини шакллантириш устувор аҳамият касб этмоқда.

Глобаллашув жараёнида бозор механизмлари миллий суғурта (қайта суғурта) компанияларининг фаолият юритишлари учун кенг имконият яратиб беради. Бу ўринда қайта суғурталовчиларни миллий бозор билан узвий биргаликда ривожланиши кўрсатилаётган хизматлар бўйича миллий суғуртачиларнинг тўлов қобилиятларига бевосита боғлиқлиги намоён бўлади. Ҳар қандай миллий суғуртачи(қайта суғуртачи)ларнинг келажаги уларнинг ўзаро қўшилишлари, бирлашиб кетишлари ёки ўз жадал ривожини таъминлашлари орқали халқаро даражага чиқишлари билан белгиланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Богоявленский С.Б. Управление риском в социально-экономических системах. - СПб: Изд-во СПбГУЭФ, 2010. С. 147.
2. Панфилова Э.А. Понятие риска: многообразие подходов и определений. // "Теория и практика общественного развития", Выпуск № 4 /2010, С. 30-34.
3. Уродовских В.Н., Бахаева А.А. Об унификации шкал измерения в моделях оценки риска вероятности банкротства организаций. // "Социально-экономические явления и процессы", Выпуск № 12 (034)/2011, С. 255-260.
4. Воробьев Ю.Л. Нормирование рисков техногенных чрезвычайных ситуаций. // www.dex.ru/riskjournal/2004/2004/2004_1_2/116-124.pdf
5. Статистика катастроф, стихийных бедствий, катаклизмов. // www.kosmm.ru/pst1.html
6. Форд И. О. Бардин И. Ю. Формирование страховых механизмов компенсации ущерба от катастрофических рисков. // www.actuaries.ru/magazine/detail.php?ID=4881.
7. Ущерб от природных катастроф в мире за последнее 10 лет вырос до \$182 млрд. Swiss Re представила статистику за 1975-2014 года. // <http://forinsurer.com/news/16/03/01/33586>
8. "Swiss Re" қайта сугурталаш компаниясининг (масалан, www.swissre.com/library/Global_insurance_review_2016and_outlook_201718.html) катастрофик рисклар бўйича тадқиқотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.
9. Макарова Е.А. Стихийные бедствия как вызов мировой экономической системе // www.hse.ru/pubs/share/direct/document/65371948
10. <https://newdaynews.ru/inworld/431161.html>
11. "Swiss Re" қайта сугурталаш компаниясининг катастрофик рисклар бўйича иқтисодий тадқиқотлари асосида келтирилди.
12. Убытки страховой отрасли от природных и техногенных катастроф в 2016 году выросли до \$49 млрд Обзор Swiss Re // forinsurer.com/news/16/12/21/34710
13. www.insurancebiz.org
14. "Swiss Re" қайта сугурталаш компаниясининг катастрофик рисклар бўйича 2009-2016 йиллар давомидаги иқтисодий тадқиқотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.
15. 2017 Risk Management Solutions, Inc. // www.rms.com/
16. "Swiss Re" қайта сугурталаш компаниясининг катастрофик рисклар бўйича 2009-2016 йиллар давомидаги масалан, SIGMA Economic Research and Consulting: Swiss Re, sigma №1/2014 ва бошқа иқтисодий тадқиқотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.
17. Стихийные бедствия и антропогенные катастрофы, или Экономический аспект эффективной профилактики. // inosmi.ru/world/20101223/165150269.html
18. Schwarze R., Wagner G. Natural Hazards Insurance in Europe - Tailored Responses to Climate Change needed. /2009. // SSRN.com/abstract=2194437or // dx.doi.org/10.2139/ssrn.2194437
19. Joint Research Centre, European Commission / S. Maccaferri, F. Cariboni, F. Campolongo // Natural Catastrophes: Risk relevance and Insurance Coverage in the EU. 2012., United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division // World Population Prospects. The 2015 Revision. N.Y.: United Nations, 2016.
20. URL: // www.worldbank.org/ ; // data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?display=default
21. European Commission. "Green Paper on the insurance of natural and manmade disasters". Strasbourg. COM (2013)213/2. // ab.gov.tr/files/ardb/evt
22. www.actuary.ru/actuarial/obzory/swiss-re-v-srednem-tolko-30-katastroficheskikh-ubytkov-byli-zastrakhovany-za-poslednie-10-let/
23. Убытки страховой отрасли от природных и техногенных катастроф в 2016 году выросли до \$49 млрд Обзор Swiss Re // forinsurer.com/news/16/12/21/34710